

Мурожаатлар
НАҚИҚАТ ONLINE
назоратида
**МУННАБОЙ "ҚОРАҚҲЙЛИ"ДА
ЯШАГАНМИ?**



*Матрифатнинг
мунаввар йўли*



Эркин АЪЗАМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

Умрингизда зарчопон кийганмисиз?
Киймаган бўлсангиз ёш экансиз. Кўнлингиз
тўқ бўлсин, Худо умр берса, ҳали элликка,
олтмишларга кирасиз. Ана ўшанда ел-
кангизга, албатта, зарчопон иладилар...

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2020 йил
8 август
ШАНБА
№ 50 (13311)

@haqiqatonline

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Бугуннинг гапи

ЭКИННИ "ЯСАТАДИГАН", НАЛЛА

Август келди, юртимизга асад кирди. Дехқонларда "Асад – экиннинг ясади", деган гап бор. Бунинг маъноси шуки, пахтакорлар учун гўзасини яшнатадиган, ҳосилига ҳосил қўшадиган, қизгин, айни пайтда, жуда масъулиятли кунлар ҳозир.

2



Халқ депутатлари
Тошкент вилояти Кенгашининг
ҚАРОРИ

Тошкент вилоятида ташқи реклама объектлари учун йиғимлар миқдорини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6 ва 24-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги "Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида"ги 104-сонли қарорига асосан Тошкент вилоятида ташқи реклама объектлари учун йиғимлар миқдорларини белгилаш мақсадида Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тошкент вилоятида ташқи реклама объектлари (конструкциялари) да ташқи рекламани жойлаштириш (тарқатиш) учун йиғимлар миқдори 1-иловага мувофиқ белгилансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги "Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида"ги 104-сонли қарори билан тасдиқланган "Урнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун тўловлар миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида"ги Низом билан Тошкент вилоятидаги туман ва шаҳарларнинг худудий зоналари коэффицентлари 2-иловага мувофиқ белгиланганлиги инобатга олинсин.
3. Туман (шаҳар) ҳокимлари 2020 йил 1 августдан 2020 йил учун тузилган шартномалар бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасига асосан белгиланган йиғимлар миқдорига мувофиқ қўшимча

- келишувлар тузилишини таъминласин.
4. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашилари ўзлари қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.
5. Мазкур қарор "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.
6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.
7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси М. Болтабоев ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Муллахонов зиммаларига юклансин.

Халқ депутатлари
Тошкент вилояти
Кенгаши раиси

Р. ХОЛМАТОВ

(Мазкур қарор иловаси
2-саҳифада берилмоқда.)

Брифинглар давом этади

Нурафшон шаҳридаги Матбуот марказида вилоятимизда коронавирусга қарши курашиш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишланган брифинглар давом этмоқда. Ана шу брифингларда иштирок этган мутасаддилар сўзларидан иқтибослар ҳавола қиламиз.

КУЧ ВА ИМКОНИАТЛАР ЕТАРЛИ

Гап улардан тўғри
фойдаланишида

Тўрақул АРЗИҚУЛОВ, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи:
Вилоятимизда 1 минг 585 та даволаш ўрни ташкил этилган бўлиб, сўнгги бир ҳафта ичида яна 350 та янги шифо ўрни яратилди. Уларнинг ҳар бири зарур бўлган кислород ускунаси ва бошқа керакли тиббий асбоблар билан таъминланмоқда. Бундан ташқари, яна икки мингдан ортиқ захира ўринларини ташкил этиш режалаштирилган.
Таъкидлаш керакики, 350 шифо ўрни ташкил этилган "Назарбек" санаторийсига

куни кеча 2 миллиард 950 миллион сўмга 5 та сунъий нафас олиш аппарати, 5 та кардиомонитор, 1 та биохимик анализатор ва ўндан ортиқ функционал каравотлар етказиб берилди.
Кези келганда айтиш керакики, вилоятимизда стационар шaroитда даволанаётган ҳар бир беморга малакали шифокорлар кўригидан ташқари бир вақтнинг ўзида видеоконференцалоқа орқали тиббиёт академиясининг малакали мутахассислари томонидан зарур тавсия ва кўрсатмалар ҳам бериб келинмоқда.

2

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ

видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтди

Дастлаб Президентимизнинг 2020 йил 30 июлдаги "Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси бўйича вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Муллахонов, Бекобод тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Ф. Худойбердиев, Бекобод шаҳар прокурори, 2-сектор раҳбари Ф. Мирзаев, Оҳангарон тумани ИИБ бошлиғи, 3-сектор раҳбари А. Алиасқаров, Пискент тумани ДСИ бошлиғи, 4-сектор раҳбари А. Абдувалиевларнинг ҳисobotлари эшитилди.



Фармонга кўра, вилоятда эҳтиётмаанд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси томонидан 10 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Маблағлар ҳақиқатан ҳам ёрдамга муҳтож оилаларга етказилишини таъминлаш мақсадида барча туман ва шаҳарларнинг 4 та сектор раҳбарлари томонидан тасдиқланган рўйхатларга асосан, жами 12 минг 990 оилга 10 млрд. 611 млн. сўм миқдорига маблағ ажратилди.
Аммо рўйхатларни шакллантиришда айрим ҳудудларда суст-кашликка йўл қўйилган. Масалан, Олмалик шаҳри, Пискент, Бекобод, Оқкўрғон туманларида рўйхатлар сифатсиз шакллантирилиши натижасида бир неча бор ўзгартишлар киритилди.
Келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида вилоятдан бириктирилган вакиллар, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда туман, шаҳарлар сектор раҳбарлари зиммасига маҳаллалар кесимида "Темир дафтар"га киритилган эҳтиётмаанд оилалар рўйхатларини шакллантириш вазифаси юклатилди.
Вилоят прокуратурасига аҳолининг муҳтож қатламларига моддий ёрдамнинг етказилишида маблағларнинг талон-торож бўли-

ши, таъмагирик, фирибарлик, ваколатни суистеъмол қилиш ҳолатлари бўлмастлигини назоратга олиш, бундай ҳолатлар аниқланганда, унга йўл қўйган мансабдор шахслар фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш, ажратилган моддий ёрдам маблағларининг манзилли тарқатилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш, моддий ёрдамни тақсимлашни таъминловчи ҳамда уни оммавий ахборот воситалари, жумладан, ижтимоий тармоқлар орқали кен ёритилишини назарда тутувчи очик ва шаффоф тизим ишлаб чиқишлигини таъминлаш вазифаси топширилди.

Сессияда коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни амбулатор шaroитда аниқлаш, ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация қилиш жараёнида вилоятнинг тегишли бошқарма бошлиқлари ҳамда сектор раҳбарлари томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Т. Арзиқулов, вилоят давлат санитария-эпидемиология оsoйишталик маркази раҳбари А. Сотволдиев ва бошқа мутасаддиларнинг ахборотлари тингланди.

Сессияда қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нозим АБДУЛЛА
олган суратлар

Худудий секторлар фаолиятдан

ТИББИЙ ХИЗМАТ ЖИДДИЙ ХИЗМАТГА АЙЛАНДИ

Ҳозирги кунда бутунжаҳон ҳамжамиятини ларзага солган коронавирус инфекциясига қарши курашиш ва вирусни жиловлash борасида вилоятимизда ҳам кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараён Урта Чирчиқ туманида ҳам жадаллик билан олиб борилаяпти. Жумладан, туман ҳокими бошличилида сектор раҳбарлари, масъуллар коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, карантин даврида аҳоли саломатлигини сақлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини кўришмоқда. Хусусан, сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари ва бошқа тегишли мутасаддилар жалб этилган ҳолда илчи гуруҳ тузилиб, тўртта сектор кесимида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва махсус штаб ташкил қилиниб, коронавирус инфекцияси кириб келиши ва тарқалиши бўйича умумий ҳолат назоратга олинган.

2



НИКОБ ТАҚИБ ЮРГАНИНГИЗДА УНИ
ИЯНГИНГИЗГА ТУШИРИБ ЮРМАНГ



Агар сиз овқатланётганда ёки никобни ёши-
ни талоқ ёлданган яқин амалга оширадиган
бўлсангиз, яқинда уни тулқиб чиқиб ташлаш.

УЙДА ҚОЛИНГ!

Коронавирус, бу – ўткир респиратор инфекция. У юқумли касалликларнинг катта бир гуруҳига киради. Бу гуруҳни даволашнинг ўзига хос классик принциплари бор.

Бунда, биринчи навбатда, беморни алоҳидлаш, изоляция қилиш, оила аъзолари ва бошқалар билан мулоқотини чеклаш шарт.

Иккинчидан, бемор уйда кўп суяқлик ичиши зарур. Чунки касаллик қақирган интоксикацияни айнан ўзимиз кўп суяқлик ичиб, енгшимиз мумкин.

Учинчидан, тўлиқ миқдорда тўғри овқатланиш. Бемор кунига 4-5 маҳал таомланиши зарур. Турли қўкатлар, мева-сабзавотлар, қайнатиб ёки димлаб пиширилган овқатлар тановул қилиши,

аксинча, қовурилган, хамирли, шунингдек, турли "фастфуд" таомларни истеъмол қилмаслиги мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, бемор ётган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Инфекцияга чалинган инсондан енгил жисмоний машқларни бажариш, тозалик ва гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Бешинчидан, у дори воситаларидан тўғри фойдаланиши шарт. Яъни касалликнинг бирор-бир клиник белгиси намоён бўлганда ёрдам берувчи ва уни



бартараф этувчи дори воситаларидан самарали фойдаланиш зарур. Мисол тариқасида айтсак, иситма 38 даражадан баянд бўлганда "Парацетамол" ёки "Аспирин" дори воситасини истеъмол қилиши мумкин.



Баҳодир ака 80 ёшга кирибди, деса биров ишонмайди... Устознинг дид билан таралган кумушдек оппоқ сочлари, ўзига ярашадиган расмий кийиниши, бироз салобат билан дадил

қадам ташлаб юришини кўрганлар бу инсонни аслидан кўра ёшроқ, деб ўйлайди. Бекобод туманидагилар Баҳодир Абдувалиевни моҳир педагог, қалби уйғоқ ижодкор сифатида танишади.

Маърифатнинг мунаввар йўли

Асли Чинознинг "Яллама" кишида туғилган Баҳодир аканинг болалик йиллари Иккинчи жаҳон урушининг доғдали даврларига тўғри келди. Чиноз тумани партия кўмитаси идеология котиби бўлиб ишлаётган отаси Абдували Мирзааҳмедов 1942 йилда қалб амри билан фронтга отланганда, Баҳодир ака эндиgina 3 ёшга, опаси Норбуви эса 6 ёшга кирган эди. Меҳриниса она икки жажжи гўдагини бағрига босганича йўлга термулиб қолаверди.

Уруш қурбонсиз бўлмади, деганларидек, отлик эскадрильяда сиёсий бўлим бошлиғи бўлган Абдували Мирзааҳмедов 1943 йилда Сталинград остоналарида бўлиб ўтган қиргинбарот жанглари билан бирга қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Бу жудолиқни мурғак фарзандлари яхши англаб етмаган бўлса-да, Меҳриниса онанинг кўзига дунё қоронғу бўлиб кетди. Лекин икки фарзандининг келажаги, отаси каби мард ва етук инсон қилиб тарбиялаш орзуси билан қаддини тик тут-


ди. Қанчалик қийин бўлмасин, икки жигарбанди учун бутун ҳаётини бағишлади...
Ёш Баҳодир улғайган сари, турмуш ҳам аста-секин изига тушиб борди. Мактабни битиргач, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига ўқишга кирди. 1965 йилда институтни битириб, биология фани ўқитувчиси бўлди. Ўша даврдаги тартибга кўра, институтни битирган ёшлар республиканинг кадрлар етиштириш хизматларида ишлагани билан юборилар эди. Шу тариқа, Б. Абдувалиев Бекобод туманига вақтинча ишлаб бериш учун келди. Ўз меҳнат фаолиятини тумандаги 1-урта мактабда оддий ўқитувчиликдан бошлаган Б. Абдувалиевнинг кўнглига шу жойлар ўрнашди, оила қурди, обрў-этибор топди.

Дастлаб, ўз ҳажвиялари ва сатирик шеърлари билан "Табассум" радиожурналида қатнаша бошлаган ижодкорнинг кейинчалик "Тасалли", "Оламни асра", "Қумри қушим",

"Орият", "Абадия" каби шеърий тўпламлари, Ўзбекистон халқ артисти Хусан Шариповнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятидан ҳикоя қилувчи "Актёр сиймоси" асари нашрдан чиқди.
Ижодкорнинг "Тасалли" китобига Иқбол Мирзо томонидан ёзилган сўзбошида шундай дейилади: "Баҳодир Абдувалиев шеърларининг асосий мавзуси ҳам панд-насихат. Қадимда, ҳатто тиббий тавсиялар, шифо тадбирлари ҳам шеърий йўлда ёзиб қолдирилган. Нега? Сабаби – шеърнинг меҳригиёси кучли. Оддий гапдан кўра қофияга, оҳангга солиб айтилган фикр кишининг ёдида тез қолади, онга, қалбига таъсир қилади..."

Устоз Баҳодир Абдувалиев бугун ҳам ижод билан банд, қалбидagi фикр ва мулоҳазаларни илҳом қанотида куйма сатрларга ўгириш билан куйиб-ёнади. Туманимизда фаолият олиб бораётган "Илҳом" ижодкорлар адабий тўрагагининг фахрий аъзоси сифатида тез-тез меҳмон бўлиб туради, "От изини той

Эй, умри азиз...



Баҳодир Абдувалиев

босар", деганларидек, бугунги кунда устознинг адабиётга ҳавасини, шеърятга бўлган муҳаббатини набираси, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг аълочи талабаси Сарвиноз Баҳодирова давом эттирмоқда. Сарвинознинг бугунги кунгача иккита шеърий китоби нашр этилган. У бадиий таржима соҳасида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда...

Бугунги кунда пири бадавлатлик гаштини сураётган устоз Баҳодир ака Абдувалиев фарзандлари ардоғида. Улар Ҳалима она билан 3 ўғил 2 қизни тарбиялаб вояга етказдилар. Бир-бирдан ширин набиралари қуршовида тинч ва фаровон ҳаётимиз неъматларига шукроналар айтиб яшашдек бахтга эришган устозга ижодий баркамоллик, мустақкам соғлиқ ва узок умр тилаб қоламиз.

Нурали ЖАЛИЛ,
"Маънавият ва маърифат"
маркази Бекобод тумани
бўлимаси раҳбари,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

"Тошкент ҳақиқати" ёдга олади

Тоғлардек сокин эди...

Рустам ака билан яқиндагина дийдорлашгандик. Унинг эндиgina босмадан чиққан "Муҳаббат чечаклари" номли китобини ҳам миннатдорлик билан қабул қилиб олгандик. У киши жуда хурсанд ва бахтиёр эди. Афсус, бешафқат ўлим ана шундай ажойиб, оққўнгил инсонни, меҳридарё шоирини орамиздан олиб кетди.



Рустам Фани

Мен бундан салкам қирқ йилча олдин Рустам Фани билан "Тошкент ҳақиқати" таҳририятида танишган эдим. Ўша йиллари матбуотда бирор нарса чиқариш, чоп этириш анча мушкул иш бўлганини катта авлод вакиллари яхши эслашади. Аммо Рустам ака ёш ижодкорларга алоҳида меҳр ва ғамхўрлик билан қарар, ўзининг эмас, бошқаларнинг ҳолатини чиқаришга, уларга имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Бу ажойиб инсон "Тошкент ҳақиқати"да ишлаб юрган кезлари Назармат домла билан биргаликда Тошкент вилояти ижодкорларининг машқларини газета саҳифаларида мунтазам бериб борди. Ҳар бирига алоҳида эътибор билан қаради. Ҳозиржавоб журналист сифатида газет-хонларнинг, нозиктаъб шоир сифатида адабиёт ихлосмандларининг меҳрини қозонди.

Қалби ҳамиша меҳр ва яхшиликка тўла бўлган Рустам ака ҳар доим ортиқча мактаини ва кибрдан йироқ эди. Қў-

лидан келса ҳамиша бошқаларга яхшиликни соғиниб яшарди. Унинг меҳр ва садоқатга тўла сатрлари, бегубор ва пок туйғулари ёзган шеърларида ҳам яққол билиниб туради. Эзуликка йўғрилган сўзлар эса асло унутилмайди.

Охиратингиз обод бўлсин, сиз қолдирган яхши хотиралар, муҳаббат чечаклари асло сўлма-син. Кўнглимиздаги кечинмаларни эса қуйдаги сатрларда баён этдик:

Тоғлар каби сокин эди, хокисор,
Мавжларни оҳанг эмиб Бахмалсой.
Дўст кўнглидан ахтармади бир гўбор,
Инсонликка бериб ўтди зеб, чирой.

Оловлар қалбнинг ўтлуғ навоси,
Сўздин ортиқ чин эҳтиром бўлмагай.
Ҳар гўшада эсар баҳор ҳавоси,
Муҳаббатнинг чечаклари сўлмагай!

Нурали БОЙМУРОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, шоир

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятига ташрифи чоғида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида «Янгийўл марказий томорқа хизмати» МЧЖга қарашли Янгийўл тумани Саид ота массиви ҳудудида жойлашган 1.0 гектар ер майдонида 3 та профил, 3 та контейнер профил, 4 та атчинковий темирдан (80x12.5 м. ўлчамда) туннель услубидаги иссиқхона қурилиши учун **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танлов иштирокчиларидан тижорат тақлифлари газета чоп этилган санадан бошлаб, 10 иш кун давомида қабул қилинади.
Туннель усулида иссиқхона қурилишининг танлов шартлари куйидагилардан иборат:
1. Иссиқхона ўлчами: 80 x 12.5 м;
2. Баландлиги: баландлиги – 5.0 м;
3. Ҳар бирига – 100 микролик полиэтилен плёнка;
4. Иссиқхона системаси: пўлат карказ (структура), ўраш, вентиляция системаси, сугориш системаси, салқин қилувчи тўр ва х.к;
5. Пўлат структура материали миллий стандарт асосида юқори сифатли темир профилдан.
6. Сугориш системаси қалинлиги – 0.16

мм. ўлчамдаги пластмасса труба, 32 мм. ўлчамдаги пластмасса труба.
7. Салқин қилувчи тўр 0.75 фоизли ўтказма.
Танловда иштирок этишни хоҳловчиларга куйидаги талаблар қуйилади:
– шартнома шартларини амалга ошириш учун зарур малакали ходимларга, техник ускуналарига, ҳам ашёларига ва бошқа молиявий зарур ресурсларга эга бўлиши;
– тузиладиган шартномага қонуний томондан ёндошиш;
– солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик мавжуд бўлмаслиги;
– банкротлик ҳолатига оид муаммоларнинг мавжуд эмаслиги.
Мурожаат учун телефон:
(+998 90) 100-76-76.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятига ташрифи чоғида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида «Янгийўл марказий томорқа хизмати» МЧЖга қарашли Янгийўл тумани Саид ота массиви ҳудудида жойлашган 14 гектар ер майдонида ички сув тармоғи учун вертикал дренаж қудиги қурилиши 2 дона, ички сув тармоғи учун насослар мажмуаси қурилиши 1 дона ва ички сув тармоғи қурилиши -3,313 км. учун жами 798 680 851 сўм маблағ эвазига **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танлов иштирокчиларидан тижорат тақлифлари газета чоп этилган санадан бошлаб, 10 иш кун давомида қабул қилинади.
Танловда иштирок этишни хоҳловчиларга куйидаги талаблар қуйилади:
– шартнома шартларини амалга ошириш учун зарур малакали ходимларга, техник ускуналарига, ҳам ашёларига молиявий

ва бошқа зарур ресурсларга эга бўлиши;
– тузиладиган шартномага қонуний томондан ёндошиш;
– солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик мавжуд бўлмаслиги;
– банкротлик ҳолатига оид муаммоларнинг мавжуд эмаслиги.
Мурожаат учун телефон:
(+998 90) 100-76-76.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятига ташрифи чоғида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида «Янгийўл марказий томорқа хизмати» МЧЖга қарашли Янгийўл тумани Саид ота массиви ҳудудида жойлашган 14 гектар ер майдонида ички массив йўллар қурилиши -2,673 км. 791 387 136 сўм маблағ эвазига **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танлов иштирокчиларидан тижорат тақлифлари газета чоп этилган санадан бошлаб, 10 иш кун давомида қабул қилинади.
Танловда иштирок этишни хоҳловчиларга куйидаги талаблар қуйилади:
– шартнома шартларини амалга ошириш учун зарур малакали ходимларга, техник ускуналарига, ҳам ашёларига молиявий

ва бошқа зарур ресурсларга эга бўлиши;
– тузиладиган шартномага қонуний томондан ёндошиш;
– солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликларининг мавжуд бўлмаслиги;
– банкротлик ҳолатига оид муаммоларнинг мавжуд эмаслиги.
Мурожаат учун телефон:
(+998 90) 100-76-76.

Диккат!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auction.uz) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очик аукцион савдоларига куйидаги давлат активлари қуйилади.

№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сакловчи	Таклиф этилаётган шартлар			
				Объект ташкил этиладиган мажбурий фаолият тури (мавжуд бўлса)	Объектга киритиладиган инвестициянинг энг кам миқдори (млн. сўм)	Инвестициянинг бажариш муддати	Объектда яратиладиган янги иш ўринлари сон
1	Механика таъмирлаш устaxonа бино-иншоотлари, эски номи (собик гараж биноси)	Бекобод тумани, Ойбек массиви, «Ёшлик» МФЙ	Бекобод тумани хокимлиги	Амалдаги қонунчиликда таққиланмаган тадбиркорлик фаолият тури	800,0	24 ой	10

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича голблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.
Электрон онлайн-аукцион савдолари 2020 йил 17 августдан бошлаб, объектнинг жой-

лаштирилиши кунига қараб, ҳар 15 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.
Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auction.uz сайтлари орқали олиш мумкин.
Мурожаат учун манзил: 100072, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2 тор кўчаси, 115-уй.

Маълумот учун телефонлар:
(95) 340-80-10, 71-293-90-59.
E-mail: toshvil@davaktiv.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.davaktiv.uz, www.toshvil.uz
Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!
Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқлана-

диган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (95) 534-80-10 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.
Савдоларга марҳамат!

«CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2020 йил 24 август кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдоларига "Дори-дармон" акциядорлик компаниясининг 04.08.2020 йилдаги №11-13/835-сонли бюртманомасига асосан компания тасарруфидида бўлган куйидаги кўчмас мулклар такроран қуйилмоқда: 1. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 2-мавзе, Гагарин кўчаси, 25-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 706,0 кв.м. бўлган 4 қаватли бионининг 1-қавати бир қисми ва ертўладан иборат 4-сонли дорихона биноси. Бошланғич баҳоси – 4 245 372 200 сўм. 2. Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 481-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 311,0 кв.м. бўлган 36-сонли дорихона биноси. Бошланғич баҳоси – 2 114 281 900 сўм. 3. Андижон шаҳри, Чўпон шох кўчаси манзилида жойлашган, умумий қурилиш майдони 740,14 кв.м., умумий фойдали майдони 1918,32 кв.м. бўлган 3 қаватли 26-сонли дорихона бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 8 003 891 900 сўм. Кўчмас мулкларнинг бошланғич баҳоси ҚҚСни инобатга олган ҳолда белгиланган.
Юқоридagi кўчмас мулклар

2020 йил 24 август кунин соат 11.00 да сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 8, 23 сентябрь, 8, 23 октябрь, 9, 24 ноябрь ва 9, 24 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Бюртманоманинг талабига асосан аукцион савдолари кўчмас мулк жойлашган манзилда ўтказилиши мумкин.
Юқоридagi кўчмас мулклар билан бюртманчи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат туланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга куйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:
– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;
– jisмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.
Аукцион савдоларида иштирок этувчи талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан бюртманларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш кунин олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Савдо голлибига аукцион савдоси натижалари бўйича голблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади.
Заказат пулини тўлаш учун реквизитлар: «CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ. АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими. Х/р: 20208000100757166001. МФО: 01132. СТИР: 304 802 952.
Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикфол кўчаси, 34-уй. Телефонлар: +998-71-236-25-53. +998-71-230-10-49. www.capitaltrust.uz. Лицензия RR – 0298.

"Узгросуғурта" АЖ Тошкент вилоят филиали А4 шаклдаги 8 (саккиз) та фирменний бланк ФБ 0325304, ФБ 0327012, ФБ 0361636, ФБ 0410527, ФБ 0410536, ФБ 0296320, ФБ 0296323, ФБ 0296443 ҳамда 2 (икки) та UI 2018 шаклдаги 0218540, 0218554 сонли жами 10 (ўн) та сугурта полислари йўқолганлиги сабабли "Узгросуғурта" АЖ Тошкент вилоят филиали "Вилоят сугурта маркази" бу полислар бўйича жавобгарлик олиб бормаслигини маълум қилади.
Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судья
Хайридин ШЕРМУХАМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Пишиқчилик



Тарвузнинг оғири, қовунинг энгилли яхши бўлади, дейишмоқда деҳқонлар. Ҳеч қилнинг "тарвузи қўлтиғидан тушмасин", ҳеч қим "қовун туширмасин"...

Эски мақолларга янги изоҳлар

- «Юз сўм пулинг бўлмасин, юзта дўстинг бўлсин.»
«Дўст бошга қарар, душман оёққа».
Изоҳ: Ҳар бири еб кетарга юз доллардан бера олувчи дўстлар назарда тутиляпти.
Изоҳ: Агар бошда маъно бўлмаса, дўстнинг ҳам оёққа қарашдан ўзга чораси йўқ.

Нимкоса

Изоҳ: Самолёт учиб турса, Америка ҳам нима йўл?

«Кўшнинг кўр бўлса – кўзингни қис».

Изоҳ: Жой олишда кўшнинг кўзига қараб олсанг, кўз қисиб балосидан қутулсан.

«Ҳўчи Ҳўйга етгунича, таваккалчи тўйига етади»...

Изоҳ: Ҳўчи ноумид бўлмасин, у ҳам қуруқ қолмас, хотин ошига етиб борар.

«Сочи узун – ақли калта».


Изоҳ: Айримларнинг сочи ҳам, ақли ҳам калта бўлар эмиш, во ажабо!

Эркин АЪЗАМ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Зарчопон

Умрингизда зарчопон кийганмисиз? Киймаган бўсангиз ёш экансиз. Кўнглингиз тўқ бўлсин, Худо умр берса, ҳали элликка, олтимишларга кирасиз. Ана ўшанда елкангизга, албатта, зарчопон иладилар. Йўқ, хато кетмадик – айнан иладилар. Негаки уни ўша заҳоти ечиб, тахлаб қўясиз. Сандиқнинг тубига. Сандиқнинг мулки энди у. Агар кўпайиб, унга сиймай кетса, ташвишланманг. Бунинг йўли осон: яқин биродарингиз эрта-индин элликка, олтимишга кирман деб турибди!

Биллур бисотдан



диган бунақа хўжакўрсин сипоғарчиликлар бир дунё! Келинчақнинг ҳайитида номчикарага юбориладиган беҳусиб, кўпинча улов кетадиган, бесамар тоғоралар ҳам шу сирадан. Лекин гап фақат зарчопон устида экан-да, деб ўйланманг. Зарчопон – эҳтиром белгиси, қўлуғ дудимиз, албатта. Қолаверса, у ҳали ҳолва. Миллий турмушимизда, афсуски, риёга ўхшаб кета-

Бир одам чет элдан кўп пул билан келди. Аввал бир нечта хонадон – квартира сотиб олди, кейин шаҳарнинг эгасизроқ манзилдан зўр жой қилиб, иморат қурди. Битта эмас, албатта – кўша-кўша. Таърифлаш шарт бўлмаса керак. Дарвоқе, шу орада бир талай қўшмаю хусусий корхона ҳам барпо этди. Маҳсулот чиқарди, фойда олди, дуо ҳам олгандир. Қабул бўлсин.

Тўймас

Кўз тўймайди, кўл! Битта ҳаётим иккита бўлсин дейди, иккита мошиниси тўртта бўлишини хоҳлайди. Орау-ҳавас эса чек-чегарасиз – Саҳройи Кабир! Жон-чи? Бир маргама ато этиладиган умр-чи? Йўқ, бошқалар ўлса ўлар, мен ҳали-вери ўлмасам керак, деб ўйлайди.

Шабракқурдан томчилар
Мени қанча кам билсалар, шунча қадрлиман. Шу туфайли доноликда қолган одамлар қалин, дағал либосларга бурқаниб, қўйнида яшма тошни яширган одамга ўхшайдилар.

Беҳазил
Тестга Тобингиз қалай?
Тўрт йилдан бери институтга киролмай, тестдан йиқиладиган ўртоғим ўтган йили имтиҳондан чиқиб, "Мана шу тестнинг ўзига бир соат вақтим кетди", деб қолди.

Тошкент воҳаси: Арсома ва Аҳақшиқат

Ҳар бир жой номининг ўзига хос тарихи ва маъноси бор. Ҳулар маълум даврга бориб тақалади ва ўша даврдаги воқеа-ҳодисалар, анъаналар ҳақида ҳикоя қилади.



Фанда географик жой номлари топонимлар, уларни тадқиқ қилувчи йўналиш эса топонимика дейилади. «Сув» сўзи билан боғлиқ топонимлар Тошкент вилояти Тошкент тумани маркази ва Тошкент воҳасида оқиб ўтаётган дарё номи – Келес ҳам қадимий номлардан бири.

TOHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир: Ғайрат ШЕРАЛИЕВ
Телефонлар: Қабулхона: (71) 233-64-95
Манзилими: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Навбатчи муҳаррир: Аллома АЗИЗОВА
Назоратчи мусахҳиш: Дилфуза САИДЖАМОВА
Навбатчи: Сайдулла САЪДУЛЛАЕВ